



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 19 » avgust

№ 460

Toshkent sh.

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон қарорида экин майдони тупроғи таркибидаги заҳарли кимёвий моддалар (пестицид) таҳлили натижасига кўра экспортбоп маҳсулотларни етиштиришда биологик ёки алмашлаб экин усулини қўллашни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманларда (Қувасой шаҳарда) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашнинг манзилли рўйхатини шаклантириш тартиби;

талабгорларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зааркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар учун биологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар мақомининг устунлигини белгилаш мақсадида ҳар бир экин турини ҳисобга олган ҳолда ҳосил йили якуни бўйича бир маротаба субсидия ажратиш тартиби;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши бир гектарга сарфланадиган биологик ҳимоя воситалари (маҳсулот) миқдорини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

томонидан ишлаб чиқилған қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилаш ва маҳсулот етиштириш бўйича **намунавий технологик карта асосида белгилаш тартиби.**

3. Белгилансинки:

а) туманлар (Қувасой шаҳар) ишчи гуруҳи:

талабгорга тегишли ер участкасида келгуси йилда экилиши режалаштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларини жойига чиқиб ўрганади ва биологик ҳимоя усули қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва уларнинг майдонини таҳлил қиласди;

талабгорларни экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича туман манзилли рўйхатига киритиш бўйича хулосалар тайёрлайди;

ҳар йили **5 июнга қадар** туманда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича туман манзилли рўйхатини шакллантиради;

шакллантирилган туман манзилли рўйхатини ҳар йили **15 июнга қадар** тасдиқланиши ва **20 июнга қадар** худудий ишчи гуруҳига тақдим қилинишини таъминлайди;

б) Ҳудудий ишчи гуруҳи (Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси):

туман манзилли рўйхатига киритилган талабгорларнинг ер участкалари, экилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги экин турлари ва майдонларини таҳлил қиласди;

ҳар йили **1 июлга қадар** келгуси йилда ҳудудда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради;

шакллантирилган ҳудудий манзилли рўйхатни тасдиқланиши ва ҳар йили **5 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилинишини ташкил этади;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

биологик ҳимоя усулини қўллашнинг ҳудудий манзилли рўйхатларни ҳар йили **20 июлга қадар** умумлаштиради, умумий манзилли рўйхатни Вазирлар Маҳкамасига тақдим қиласди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан **25 июлга қадар** тасдиқланади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг зааркунандалари ва касалликларига қарши қурашиш учун республика ҳудудида қўллашга рухсат этилган биологик воситалар рўйхатини ҳар йили **1 февралга қадар** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайтига жойлаштиради;

қишлоқ хўжалиги экинларининг зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашишда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича маблағлар ажратилишини таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш учун биологик ҳимоя воситаларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратилган маблағларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказиб бериш учун масъул ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидияни белгиланган муддатларда талабгорларнинг банкдаги асосий ҳисобварафига ўтказиб берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **2023 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш манзилли дастурига мувофиқ биологик ҳимоя усулини қўллаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "19" август даги 460сон қарорига
илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда
биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

биологик ҳимоя усули – қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши биологик энтомофаглар, биологик ва микробиологик препаратлар билан курашиш усули;

биостимуляторлар – ўсимликларнинг табиий ўсишини тезлаштирувчи биологик моддалар (фитогормонлар, витаминлар);

биологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар – биологик энтомофаглар, микробиологик препаратлар, биологик препаратлар, органик ўғитлар ҳамда биостимуляторлар;

биологик энтомофаглар – биофабрика ва биолабораторияларда кўпайтирилиб, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зааркунандаларига қарши курашишда қўлланиладиган биомаҳсулотлар (трихограмма, олтинкўз, бракон ва бошқалар);

биологик препаратлар – қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган микроорганизмлар ва бошқа тирик организмлар асосида ишлаб чиқилган воситалар;

кимёвий моддалар (пестицид) – ўсимликларнинг заарли организмларига қарши қўлланиладиган кимёвий моддалар;

манзилли рўйхат – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) ҳокимларни томонидан тасдиқланадиган экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўлловчилар рўйхати;

микробиологик препаратлар – қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркунандалари ва касалликларига қарши курашишда қўлланиладиган микроорганизмлар (бактериялар, замбуруғлар ва вируслар);

синов лабораторияси – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш ва қиёслашдан ўтказувчи аккредитацияланган ташкилот;

субсидия – экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган қисми;

талабгор (ариза берувчи) – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича биологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар;

токсикологик таҳлил – тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар қолдиқ микдорларининг лаборатория таҳлиллари;

тупроқ агрокимёвий таҳлили – тупроқ таркибидаги ўсимлик учун зарур озуқа элементларининг ҳаракатчан шакллари (ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий ва бошқа микро элементлар) ва гумус микдорини аниқлаш;

феромон тутқич – табиатда ҳашаротларнинг ҳаракатини бошқарувчи биологик фаол моддалар.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўсимликларни зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши кимёвий ҳимоя воситаларидан фойдаланишдан биологик ҳимоя воситаларидан (маҳсулот) фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми қоплаб берилади.

Бунда:

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зааркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар учун биологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар мақомининг устунлигини белгилаш мақсадида ҳар бир экин турини ҳисобга олган ҳолда, ҳосил йили якуни бўйича бир маротаба субсидия ажратилади;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши бир гектарга сарфланадиган биологик ҳимоя воситалари (маҳсулот) микдори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карта асосида белгиланади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Ўзбекистонда ишлатишга рухсат этилган биологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланилади, бунда рухсат этилган биологик воситалар (маҳсулот) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан эълон қилинади;

экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар учун ҳар бир экин турини ҳисобга олган ҳолда ҳосил йили якуни бўйича бир маротаба субсидия ажратилади;

талабгорга субсидиянинг базавий ҳисоблаш микдори биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар учун биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларнинг 50 фоизи микдорида белгиланади. Бунда сарфланган харажатларнинг субсидиялашдан қолган қисми талабгорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туманлар (Кувасой шаҳар) ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатга (кейинги ўринларда – манзилли рўйхат) асосан экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаган талабгорга субсидия маблағлари ҳар йили 1 декабрга қадар қоплаб берилади.

5. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисми ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

2-боб. Манзилли рўйхатни шаклантириш тартиби

6. Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашнинг манзилли рўйхатини шаклантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гуруҳ) ва туманлар (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда – туман ишчи гуруҳи) мазкур Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ намунавий таркибда шаклантирилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси ҳудудий ишчи гуруҳнинг ишчи органлари (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи орган), Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг туман (Кувасой шаҳар) бўлимлари туман ишчи гуруҳнинг туман ишчи органи (кейинги ўринларда – туман ишчи органи) ҳисобланади.

8. Талабгорлар ҳар йили 25 майга қадар келгуси йил учун биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳнинг ишчи органига ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ қуидагилар кўрсатилган ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қиласи:

талабгорга тегишли бўлган ер участкасининг майдони (гектарда), шу жумладан, экин, боф ва токзорлар майдони;

келгуси йилда экилиши режалаштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва уларнинг майдони (гектарда);

биологик ҳимоя усули қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва уларнинг майдони;

9. Туман ишчи гуруҳи:

талабгор аризасини қабул қиласи ва уч иш кунида ариза берувчининг мурожаати асосида келгуси йилда экилиши режалаштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва уларнинг майдонларини жойига чиқиб ўрганади;

биологик ҳимоя усули қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва уларнинг майдонини таҳлил қиласи. Бунда талабгорнинг экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер майдонларининг ҳолатини, яъни

тупроқ таркиби, сув таъминоти, шўрланиш даражаси, бегона ўтлардан тозаланганлиги, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга тайёрлиги, боғлар, узумзор ва бошқа экинларнинг ҳақиқатда экилганлигини (борлигини) аниқлайди;

талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича талабгорни туман манзилли рўйхатига киритиш ёки рад этиш тўғрисидаги хулосалардан бирини ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда тайёрлайди.

Ер шароитлари, шунингдек, талабгорнинг экин майдонларида тупроқ агрокимёвий ва токсикологик таҳлил натижалари белгиланган меъёрлар даражасида бўлганда, ижобий хулоса берилади ва туман манзилли рўйхатига киритиллади.

Талабгорнинг ер шароитлари, экин майдонларида тупроқ агрокимёвий ва токсикологик таҳлил натижалари белгиланган меъёрлар даражаси талабига мос бўлмаганда, салбий хулоса берилади ва туман манзилли рўйхатига киритилмайди.

Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланганда, талабгор ушбу камчиликларни ўн иш кунида бартараф этиб, ҳужжатларни қайта тақдим этиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи хулосасидан норози бўлган талабгор белгиланган тартибда юқори турувчи органга шикоят қилиши мумкин.

Ҳар йили 5 июнга қадар туманда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича туман манзилли рўйхати шакллантирилади.

Туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш манзилли рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар туман ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхати ҳар йили 20 июнга қадар худудий ишчи гурухининг ишчи органига тақдим қилинади.

Талабгор аризаси қаноатлантирилган тақдирда, туман ишчи гурухининг ишчи органи:

талабгорни манзилли рўйхатга киритилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида бир иш кунида хабардор қиласи;

белгиланган тартибда маълумотларни “efito.uz” электрон базасига киритади.

10. Худудий ишчи гуруҳи:

туман манзилли рўйхатига асосан талабгорнинг ер участкалари, экилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги экин турлари ва майдонларини таҳлил қиласи;

ҳар йили 1 июлга қадар келгуси йилда худудда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича худудий манзилли рўйхатни (кейинги ўринларда – худудий манзилли рўйхат) шакллантиради.

Худудий манзилли рўйхат худудий ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланиб, ҳар йили 5 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилинади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этилган ҳудудий манзилли рўйхатни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда таҳлил қиласиди.

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича келгуси йилда экилиши ва биологик ҳимоя усулида ишлов берилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги экин турлари ва майдонларининг умумий манзилли рўйхати ҳар йили 15 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши билан келишилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги келишилган умумий манзилли рўйхатни ҳар йили 20 июлга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

14. Умумий манзилли рўйхат ҳар йили 25 июлга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**3-боб. Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг
бир қисмини қоплаш тартиби**

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили 1 февралга қадар Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун республика манзилли рўйхатига мувофиқ белгиланган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига маблағлар ажратилишини таъминлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига очиладиган маҳсус ғазна ҳисобварагида юритилади.

17. Туман (Қувасой шаҳар) ишчи гурухининг ишчи органи:

манзилли рўйхатга киритилган талабгор томонидан белгиланган экин турларининг экилиши, парваришланиши ва вегетация давомида биологик ҳимоя усулидаги тадбирлар ўтказилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг агроном-энтомолог инспекторлари орқали мониторинг юритади;

талабгор томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда биологик ҳимоя усулини қўллаш тартибининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, агроном-энтомолог инспектор ушбу талабгорни манзилли рўйхатдан чиқариш бўйича туман ишчи гурухига хулоса киритади.

18. Туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳи ишчи орган томонидан аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумот асосида талабгорни унинг иштирокида манзилли рўйхатдан чиқариш масаласини кўриб чиқади ва тегишли хulosани қабул қиласди.

19. Талабгор субсидия олиш учун ҳар йили 1 ноябрга қадар туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухига ушбу Низомга б-иловага мувофиқ шаклдаги ариза орқали мурожаат қиласди.

Талабгорнинг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар (гектарда);

биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағлар миқдори (сўмда), (ҳисобварак-фактура, чек ва бошқалар);

биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонларда етиштирилган экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳамда ушбу майдонлар тупроғи таркибидаги пестицидлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар (хулоса), белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган агрокимёвий лаборатория таҳлили натижалари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар (экспорт шартномаси, юк божхона декларацияси, валюта тушуми ва бошқалар);

талабгорнинг тижорат банкларидағи асосий ҳисобвараги.

20. Туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳи хужжатларни қабул қилиб олган кундан эътиборан уч иш кунида:

талабгорнинг жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинганлигини тасдиқловчи хужжатларини (экспорт шартномаси, юк божхона декларацияси, валюта тушуми ва бошқалар) таҳлил қиласди;

талабгорга тегишли бўлган ер участкасида маҳсулот пишиб етилгандан кейин олинган (жорий йил 1 ноябрига қадар) лаборатория таҳлил натижаларини ўрганади;

талабгор томонидан биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар учун биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларни тегишли далолатнома асосида расмийлаштиради;

субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosаларни умумлаштиради, уларнинг рўйхатларини худудий ишчи гурухига кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун тақдим этади, бунда тузилган рўйхатларга тегишли далолатномалар ва субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosалар илова қилинади.

21. Худудий ишчи гуруҳи беш иш кунида:

туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳи томонидан тақдим қилинган субсидия ажратишга тавсия қилинган талабгорлар рўйхатини таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

умумлаштирилган рўйхатни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қиласди. Бунда умумлаштирилган рўйхатга тегишли далолатномалар ва субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosалар илова қилинади.

22. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

худудий ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган рўйхатларни ўн иш кунида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда кўриб чиқиб, умумлаштиради ва тасдиқлади;

якуний рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг биологик ҳимоя усулини кўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида ҳар йили 1 декабрга қадар уларнинг тижорат банкларидағи асосий ҳисобварагларига субсидияни ўтказиб беради.

4-боб. Якуловчи қоидалар

23. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда худудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгорлар томонидан кўлланиладиган биологик ҳимоя усули мониторингини олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

24. Талабгорларнинг биологик ҳимоя усулини кўллаш билан боғлик харажатлари бир қисмини қоплаш бўйича Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни
рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда
биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|--|--|---|---|
| I. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (Қувасой шаҳар)да кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш манзилли рўйхатини шакллантириш тартиби | | | |
| 1-bosqich | Талабгорлар (Жисмоний ва юридик шахслар) | Келгуси йил ҳосили учун биологик ҳимоя усулини қўллаш бўйича туман (Қувасой шаҳар) ишчи гурӯҳининг ишчи органига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қиласди. | Ҳар йили 25 майга қадар |
| 2-bosqich | Туман (Қувасой шаҳар) ишчи гурӯҳи | <ol style="list-style-type: none">Талабгорнинг мурожаатини жойига чиқиб ўрганади ва куйидаги хулосаларни тайёрлайди:<ol style="list-style-type: none">талабгорни манзилли рўйхатга киритади;талабгорни манзилли рўйхатга киритишни рад этади.Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш туман манзилли рўйхатини шакллантиради.Туман манзилли рўйхатини тасдиқлади.Тасдиқланган туман манзилли рўйхатини ҳудудий ишчи гурӯҳининг ишчи органи – Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошкармасига тақдим қиласди. | 3 иш кунида Ҳар йили: 5 июня қадар 15 июня қадар 20 июня қадар |
| 3-bosqich | Туман (Қувасой шаҳар) ишчи гурӯҳининг ишчи органи | <ol style="list-style-type: none">Талабгор манзилли рўйхатга киритилгандиги ёки киритиш рад этилганлиги тўғрисида бир иш кунида хабардор қиласди;Белгиланган тартибда маълумотларни “efito.uz” электрон базасига киритади. | 1 иш кунида |
| 4-bosqich | Худудий ишчи гурӯҳи | <ol style="list-style-type: none">Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашнинг ҳудудий манзилли рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлади.Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қиласди. | Ҳар йили: 1 июля қадар 5 июля қадар |
| 5-bosqich | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | <ol style="list-style-type: none">Тақдим қилинган ҳудудий манзилли рўйхатларни таҳлил қиласди ва умумий манзилли рўйхатни Молия вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши билан келишади.Келишилган умумий манзилли рўйхатни Вазирлар Маҳкамасига тақдим қиласди. | Ҳар йили: 15 июля қадар 20 июля қадар |
| 5-bosqich | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси | Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашнинг умумий манзилли рўйхатини тасдиқлади. | Ҳар йили 25 июля |

**II. Биологик ҳимоя усулини жорий этиш бўйича харажатларнинг
бир қисмини қоплаш тартиби**

| | | | |
|----------|---|---|---|
| 1-босқич | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги | Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун белгиланган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига маблағ ажратади. | Ҳар йили 1 февралга кадар |
| 2-босқич | Туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухининг ишчи органи | 1. Манзилли рўйхатга киритилган талабгор томонидан белгиланган экин турларининг экилиши, парваришланиши ва маҳсулот етиширишгача бўлган даврда биологик усулдаги тадбирларнинг қўлланилиши бўйича мониторинг юритади. 2. Талабгор томонидан ўсимликларни биологик усулда ҳимоя килиш тизимини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, талабгорни манзилли рўйхатдан чиқариш бўйича туман ишчи гурухига хulosса киритади. | Мавсум давомида |
| | Туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухи | Ишчи орган томонидан аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумот асосида талабгорни унинг иштироқида манзилли рўйхатдан чиқариш масаласини кўриб чиқади ва тегишли хulosса қабул қиласди. | Заруратга кўра |
| 3-босқич | Талабгорлар (Жисмоний ва юридик шахслар) | Субсидия олиш учун туман ишчи гурухига қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қиласди: биологик ҳимоя усули қўлланилган майдонлар; биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағлар миқдори; агрокимёвий лаборатория таҳлили натижалари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинганини тасдиқловчи хужжатлар; талабгорнинг тижорат банкларидағи асосий ҳисобвараги. | Ҳар йили 1 ноябрга кадар |
| | Туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухи | 1. Талабгорнинг жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинганини тасдиқловчи хужжатларини таҳлил қиласди. 2. Талабгорга тегишли ер участкасидан олинган лаборатория таҳлил натижаларини ўрганади. 3. Талабгор томонидан биологик ҳимоя воситаларни харид қилишга сарфланган маблағларни далолатнома асосида расмийлаштиради. 4. Субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosаларни умумлаштиради ва уларнинг рўйхатини худудий ишчи гурухига тақдим қиласди. | 3 иш кунида |
| 5-босқич | Худудий ишчи гурухи | 1. Субсидия ажратишга тавсия қилинган талабгорлар рўйхатини таҳлил қиласди ва умумлаштиради. 2. Умумлаштирилган рўйхатни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қиласди. | 5 иш кунида |
| 6-босқич | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | 1. Тақдим этилган рўйхатларни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги хамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлиари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда кўриб чиқади ва тасдиқлайди. 2. Талабгорларнинг биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш максадида уларнинг тижорат банкларидағи асосий ҳисобваракларига субсидияни ўтказиб беради. | 10 иш кунида Ҳар йили 1 декабрга кадар |

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиширишда биологик
химоя усулини кўллашни рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда
биологик химоя усулини кўллашнинг манзилли рўйхатини шакллантириш
бўйича ҳудудий ишчи гуруҳнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

| T/р | Ф.И.О. | Лавозими |
|-----|------------------------|--|
| 1 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари ва Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, <i>худудий ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи, <i>худудий ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i> |
| 3 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи |
| 4 | <i>Лавозими буйича</i> | - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| 5 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси бошлиғи |
| 6 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| 7 | <i>Лавозими буйича</i> | - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси мутахассиси, <i>ишчи гуруҳ котиби</i> |

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя усулини қўллашни рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя
усулини қўллашнинг манзилли рўйхатини шакллантириш
бўйича туманлар ишчи гурухининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

| T/p | Ф.И.О. | Лавозими |
|-----|------------------------|---|
| 1 | <i>Лавозими буйича</i> | - туман (Қувасой шаҳар) ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2 | <i>Лавозими буйича</i> | - Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (Қувасой шаҳар) бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i> |
| 3 | <i>Лавозими буйича</i> | - туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари |
| 4 | <i>Лавозими буйича</i> | - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туманлар (Қувасой шаҳар) бўлими бошлиғи |
| 5 | <i>Лавозими буйича</i> | - туман (Қувасой шаҳар) молия бўлими бошлиғи |
| 6 | <i>Лавозими буйича</i> | - туман (Қувасой шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| 7 | <i>Лавозими буйича</i> | - хизмат кўрсатувчи тижорат банки туман (Қувасой шаҳар) филиали раҳбари |
| 8 | <i>Лавозими буйича</i> | - туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи |
| 9 | <i>Лавозими буйича</i> | - Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (Қувасой шаҳар), бўлими мутахассиси, <i>ишчи гуруҳ котиби</i> |

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя усулини қўллашни рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда
биологик химоя усулини қўллаш бўйича манзилли рўйхатга кириш учун
туманлар ишчи гурухига
АРИЗА**

томонидан

(кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишилаб чиқарувчи жисмоний ёки юридик шахс раҳбари Ф.И.О.)

туманидаги _____ ҳудудда фаолият кўрсатаётган
нинг жами экин ер майдони _____ гектар,
(юридик шахс номи)

шундан _____ гектари боғ, _____ гектари токзор ва _____ гектарига
бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиласди.

20____ йилда экин майдонларининг жами _____ гектарига, шундан тўза
майдонларининг _____ гектарига, донли экинлар майдонининг _____ гектарига,
сабзавот экинлари майдонининг _____ гектарига, картошка экилган майдоннинг
_____ гектарига, полиз ва бошқа экинлар экилган майдоннинг _____ гектарига,
боғ ва токзорлар майдонининг _____ гектарига биологик усул жорий этилади.

_____ ни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда
(юридик шахс номи)
биологик усулни қўллашнинг манзилли рўйхатига киритишингизни сўрайман.

_____ раҳбари _____
(юридик шахс номи) (имзо) (Ф.И.О.)

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя усулини қўллашни рафбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя усулини қўллаш бўйича манзилли рўйхатига киритиш юзасидан
ХУЛОСА**

тomonидан

(қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишилаб чиқарувчи жисмоний шахс ёки юридик шахс раҳбари Ф.И.О.)

тумандаги _____ худудида фаолият кўрсатаётган
нинг 20 ____ йилда экиладиган экинларининг жами
(юридик шахс номи) _____ гектарига, шундан пахта _____ гектар, донли экинлар _____ гектар,
сабзавот _____ гектар, картошка _____ гектар, полиз _____ гектар ва бошқа экинлар
гектар ва _____ гектар боғ ва токзорларга биологик усул қўлланилади.

ни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
(юридик шахс номи)
етиштиришда биологик усулини қўллашнинг манзилли рўйхатига киритиш мақсадга
мувофик (мувофик эмас).

Ишчи гурӯҳ аъзолари

| T/р | Ф.И.О | Лавозими |
|-----|-----------------|---|
| 1 | Лавозими бўйича | - туман (Қувасой шаҳар) ҳокими, <i>иичи гурӯҳ раҳбари</i> туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув |
| 2 | Лавозими бўйича | - хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, <i>иичи гурӯҳ раҳбарининг ўринбосари</i> |
| 3 | Лавозими бўйича | - Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (Қувасой шаҳар) бўлими бошлиғи |
| 4 | Лавозими бўйича | - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман (Қувасой шаҳар) бўлими бошлиғи |
| 5 | Лавозими бўйича | - туман (Қувасой шаҳар) молия бўлими бошлиғи |
| 6 | Лавозими бўйича | - туман (Қувасой шаҳар) фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси |
| 7 | Лавозими бўйича | - хизмат кўрсатувчи тижорат банки туман (Қувасой шаҳар) филиали раҳбари |
| 8 | Лавозими бўйича | - туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи |
| 9 | Лавозими бўйича | - Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (Қувасой шаҳар), бўлими инспектори, <i>иичи гурӯҳ котиби</i> |

Экспортбоп қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя усулини қўллашни рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик
химоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларни
қоплаб бериш (субсидия) учун
АРИЗА**

фаолият кўрсатаётган _____ туманидаги _____ худудида
(юридик шахс номи) _____ томонидан 20 ____ йилда

жами _____ гектарда, жумладан, _____ рақамли контурдаги _____ гектар,
_____ рақамли контурдаги _____ гектар, _____ рақамли контурдаги
_____ гектар, _____ рақамли контурдаги _____ гектар майдонда биологик
усулини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

Ушбу маҳсулотларни етиштиришда биологик химоя воситаларини харид қилишга
сўм харажат қилинди.

_____ томонидан 20 ____ йилда экспортбоп
(юридик шахс номи)
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя воситаларини харид
қилишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини қоплаб бериш (субсидия)да амалий
ёрдам беришингизни сўрайман.

(юридик ва жисмоний шахс номи) _____
раҳбари _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

